

Амнистия акти нотўғри тадбиқ қилинганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2006 йил 16 мартдаги ҳукмига асосан Х. ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 11 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. Унга нисбатан 2005 йил 2 декабрдаги амнистия акти 6-бандининг “б” кичик банди тадбиқ этилиб ўталмаган жазо тўртдан бирига қисқартирилган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 28 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг 7-банди «а» кичик бандига ва қарорни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомнинг 16-бандига мувофиқ муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлган, аммо яна қасддан жиноят содир этган шахсларга амнистия тадбиқ этилмаслиги кўрсатилган.

Х. муқаддам Қарши туман судининг 2001 йил 17 январдаги ҳукмига асосан ЖК 167-моддаси 4-қисмининг «а» банди, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланиб ЖК 59-моддаси тартибида 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган ва унга нисбатан 2000 йил 28 августдаги амнистия актининг 2-моддаси тадбиқ этилиб жазодан озод қилинган.

Биринчи инстанция суди Х. муқаддам амнистия актига кўра, жазодан озод қилинганлигини инобатга олмасдан, 2005 йил 2 декабрдаги амнистия акти 6-бандининг «б» кичик бандини тадбиқ этиб хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 30-бандида ЖПК 500, 513-моддаларида белгиланган бир йиллик муддат амнистия акти қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан асоссиз қўлланилган ҳолларга ҳам тааллуқлилигини эътиборга олиш лозимлиги, бундай ҳолларда юқори инстанция суди ҳукми ўзгартиришга-ундан амнистия актини қўллаш ҳақидаги хулоса ва қарорни чиқариб, ҳукмда амнистия акти қўлланилган ҳолда тайинланган жазони қолдиришга ҳақлилиги кўрсатилган.

Х.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари қонуний кучга кирганлиги ва бир йил муддат ўтганлиги муносабати билан унинг аҳволини оғирлаштиришга ҳолатга ўзгаришга йўл қўйилмаслигини инобатга олиб, суд қарорларидан Х.га амнистия актини қўллаш қисмини чиқариб, унинг пушаймонлигини, олти нафар фарзандлари борлигини, жазони ўташ жойидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, ЖК 57-моддасини қўллаб жазо тайинлаш лозим топилди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 3 июлдаги ажрими билан Х.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, 2005 йил 2 декабрдаги амнистия актини қўллаш қисми чиқарилиб, унга ЖК 57-моддаси қўлланиб, 8 йил 7 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазо муддати тайинланди.

ЖСХ-92-07 сонли ажрим